

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. В.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАРМОНОВ ДИЛМУРОД ЁҚУБЖОНОВИЧ

СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ САЗ ТУПРОҚЛАРИ ВА БУҒДОЙ
ХОССАЛАРИНИ МИНЕРАЛЛАШГАН СУВЛАР БИЛАН СУҒОРИШ
ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ

03.00.13 -Тупроқшунослик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона-2020

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по биологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
biological sciences**

Дармонов Дилмурод Ёкубжонович Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлари ва буғдой хоссаларини минераллашган сувлар билан суғориш таъсирида ўзгариши.....	3
Дармонов Дилмурод Ёкубжонович Изменение свойств орошаемых луговых сазовых почв и пшеницы под влиянием поливов минерализованными водами	21
Darmonov Dilmurod Yokubjonovich Change of properties of irrigated meadow gas soils and wheat under influence of mineralized water rrigations.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. В.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАРМОНОВ ДИЛМУРОД ЁҚУБЖОНОВИЧ

СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ САЗ ТУПРОҚЛАРИ ВА БУҒДОЙ
ХОССАЛАРИНИ МИНЕРАЛЛАШГАН СУВЛАР БИЛАН СУҒОРИШ
ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ

03.00.13 -Тупроқшунослик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона-2020

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/B420 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Фарғона давлат университетидида бажарилган.
Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме))
Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Юлдашев Гулом
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Курвантаев Раҳмонтой
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим,
Тупрокшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти

Урузбаев Исматулла Уматович
биология фанлари доктори, доцент
Гулистон давлат университети

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.B.05.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20» 08 соат 11⁰⁰ даги онлайн мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@mail.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (86 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-уй. (+99873)244-44-94)

Диссертация автореферати 2020 йил «07» 08 кунни тарқатилди.
(2020 йил «07» 08 даги № 2 рақамли реестр баённомаси)





В.Ю.Исаков

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
мажлиси раиси, б.ф.д., профессор



У.Б.Мирзаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., доцент



М.Т.Исағалиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., доцент

Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда «барча ичимлик сувларининг 50% га яқини ва суғорма деҳқончиликда 43% тупроқ-грунт сувлари ҳисобига қондирилади, бу деҳқончиликнинг жами қишлоқ хўжалиги ерларини 20% ҳиссасига тўғри келади. Сўнги 50 йилда экин экиладиган ҳудудлар майдони дунёда 12% га ошди ва йилига суғориш таъсирида 300 км³ коллектор-зовур сувлари шаклланмоқда, жумладан, бу кўрсаткич МДХ давлатларида - 90 км³, АҚШ да-30 км³ ни ташкил этмоқда. Натижада баъзи ҳудудларда ишлаб чиқаришни глобал ортиши ер ва сув ресурсларини деградациясига, тупроқ ва сизот сувлари экологик ҳолатига, сув захираларига салбий таъсирини кучайишига олиб келмоқда»¹. Шу сабабли суғорма деҳқончилик шароитида суғориш ва коллектор-зовур сувларини тупроқ хосса-хусусиятлари ва унумдорлигига таъсирини аниқлаш, коллектор-зовур сувлари кимёвий ва геокимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш орқали тупроқ хосса-хусусиятларини яхшилаш, унумдорлигини ва дон ҳосилини ошириш ҳамда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш билан бирга минераллашган сувлардан уларни шаклланган жойида фойдаланиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунёда тупроқларнинг ҳосил бўлиши ва эволюциясига коллектор-зовур сувларининг таъсири, суғорма деҳқончиликда тупроқ унумдорлиги ўзгаришини аниқлаш, тупроқларнинг морфогенетик тузилиши, ҳозирги ҳолати, хосса-хусусиятлари ва унумдорлигини баҳолаш, унга таъсир этувчи салбий жараёнларнинг олдини олиш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, суғориладиган тупроқларнинг шўрланишига минераллашган коллектор-зовур сувлари таъсири, сувда эрувчи тузлар миграцияси, аккумуляцияси ва динамикасини аниқлаш ва тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш, сифатли дон етиштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда суғорма деҳқончиликда турли суғориш сувлари таъсирида тупроқларда кечаётган жараёнларни аниқлаш, салбий оқибатларни олдини олиш, дон ҳосилдорлигини ошириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, минераллашган коллектор-зовур сувларидан самарали фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқотлар олиб бориб муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий

¹www.fao.org

агротехнологияларни жорий этиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг хосса-хусусиятларига, буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига минераллашган сувларнинг таъсирини аниқлаш, дарё ва коллектор-зовур сувларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежайдиган замонавий агротехнология ва интенсив усулларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минераллашган сувларни тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий, физик-кимёвий ва мелиоратив хосса-хусусиятларига, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига таъсири, коллектор-зовур сувларининг экологик-мелиоратив ҳолатини баҳолаш, яхшилаш бўйича хорижлик ва республика олимларидан J.S.Kanwar, B.S.Kanwar, P.S.Takate, S.Jodhava, A.S.Takate, L.T.West, A.E.Hartemink, B.A.Ковда, В.В.Егоров, И.С.Рабочев, Н.Г.Минашина, А.Ф.Новикова, Е.И.Панкова, Н.Ф.Беспалов, Г.А.Ибрагимов, С.Х.Исаев, Т.П. Глухова, Ғ.Юлдашев, Э.И.Чембарисов ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Лекин Марказий Фарғона шароитида шаклланган ўтлоқи саз тупроқлари хосса-хусусиятлари, унумдорлиги ва буғдой ҳосилдорлигига минераллашган коллектор-зовур сувларнинг таъсирини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар деярли ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-455 «Фарғона вилояти суғориладиган тупроқларини шаклланишининг генетик, географик қонуниятларини ўрганиш, Ер фонди ва диагностикаси» (2006-2008 йй) мавзусидаги амалий, (2014-2018 йй), ФСХ-7-011 «Фарғона водийси тупроқларининг унумдорлиги ва уни ошириш муаммолари» (2013-2018 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларининг хосса-хусусиятлари, экомелиоратив ҳолати ва унумдорлигини, буғдой ҳосилдорлигини минераллашган сувлар билан суғориш таъсирида ўзгаришини аниқлаш ҳамда минераллашган коллектор-зовур, аралаш сувлардан фойдаланиш ва дарё сувларини антропоген ифлосланишдан муҳофазалаш, тежашга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган тупроқларда шўрланиш ва шўртобланиш хавфига кўра суғориш сувларини минерализация даражаси ва сифатини аниқлаш;

«Гидросфера, атроф-муҳит муҳофазаси» лойиҳаси стандарти учун асос бўлиши мумкин бўлган тупроқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда буғдойни суғориш учун сув сифати чегараларини белгилаш, сув миқдори ва сифати умумий талабларини аниқлаш;

турли таркиб ва концентрацияли минераллашган сувлари таъсирида суғориладиган ўтлоқи саз ўрта кумоқли тупроқларнинг физик-кимёвий ва бошқа хоссалари ўзгаришини тадқиқ этиш;

буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига турли таркиб ва концентрацияли ариқ ва минераллашган сувларни рухсат этилган минерализация даражаси таъсирини аниқлаш;

турли даражада минераллашган коллектор-зовур, аралаш сувлар таъсирида тупроқ хосса-хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экотизм таркибий қисмларини антропоген ифлосланишдан муҳофазалашга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Фарғона суғориладиган ўтлоқи саз ўрта кумоқли тупроқлар ва коллектор-зовур сувлари, шунингдек, буғдойнинг «Половчанка» нави танланган.

Тадқиқотнинг предмети минераллашган суғориш сувлари, тупроқнинг ион таркиби ва қуруқ қолдиқ миқдорининг ўзгариши, агрокимёвий ва физик-кимёвий хоссалари, шўрланиш даражаси, коллектор-зовур сувлари таъсирида тупроқ хоссалари динамикаси, минераллашган сувлар меъёри ва буғдойнинг агробиологик хусусиятларига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория тадқиқотлари «Дала вегетация тажрибалари методикаси», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» ва Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» қўлланмаларида кўрсатилган услубларда, олинган маълумотларнинг статистик таҳлил «Microsoft Excel» компьютер дастурида Б.А.Доспеховнинг дисперсион усули бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси суғориладиган ўтлоқи саз ўрта кумоқли тупроқлар шароитида буғдойнинг «Половчанка» навини суғоришда минерализацияси 4,2 г/л гача бўлган хлорид-сульфат типдаги коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш механизми асосланган;

буғдойни минераллашган сувлар билан суғориш жараёнида суғориладиган ўтлоқи саз ўрта кумокли тупроқларнинг туз таркиби ва озика режими, гумус миқдори, агрокимёвий хоссалари, сингдириш қобилияти ва бошқа хосса-хусусиятлари дарё сувлари билан суғоришга нисбатан кучсиз даражада салбий ўзгариши исботланган;

половчанка буғдой навини минераллашганлик даражаси ҳар хил бўлган хлорид-сульфатли типдаги коллектор-зовур сувлари билан суғориш меъёри ва сифати аниқланган;

суғориладиган ўрта кумокли ўтлоқи саз тупроқлари шароитида минераллашганлик даражаси 4,2 г/л гача бўлган зовур сувлари билан суғорилганда сингдирилган магний ва натрий миқдорларининг ортиши, шўртобланмаслиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

минерализация даражаси 2,8-4,2 г/л бўлган минераллашган сувлар билан суғориладиган ўтлоқи саз ўрта кумокли тупроқлар шароитида буғдойнинг «Половчанка» навини суғориш технологияси ишлаб чиқилган;

минераллашган сувлардан фойдаланиб, буғдойнинг «Половчанка» навини суғориш 37-44,5 ц/га юқори барқарор дон ҳосилини олиш ҳамда суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларида ҳар йили тоза дарё сувини 2400 м³/га тежаши исботланган;

суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг экомелиоратив ҳолатини яхшилашга, тупроқ унумдорлигига салбий таъсир этувчи шўрланиш жараёнини олдини олишга, минераллашган сувларнинг минерализация даражаси ва кимёвий таркибига боғлиқ ҳолда буғдой учун коллектор-зовур сувларидан фойдаланишга қаратилган илмий тавсия ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларни дала, лаборатория ва камерал усулларидан фойдаланган ҳолда олиб борилганлиги, тадқиқот натижалари кўп омилли компьютер дастурида математик-статистик ишлов бериш усули ёрдамида таҳлил қилинганлиги, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, Республика ва халқаро миқёсдаги ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги олинган натижаларнинг ишончлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган ўтлоқи саз ўрта кумокли тупроқларни ўзига хос шаклланиши, ривожланиш шароитлари ва хосса-хусусиятларини турлича кимёвий таркиб ва минерализацияга эга бўлган коллектор-зовур сувлари таъсирида ўзгариши, тупроқда содир бўлаётган жараёнлар динамикаси кўрсатиб берилганлиги, минераллашган сувларни тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли кимёвий таркибга эга минераллашган коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш, суғориладиган ўтлоқи саз ўрта кумок механик таркибли тупроқларда буғдойни

минераллашган сувлар билан суғориш бўйича тавсия ишлаб чиқилганлиги, бу сувлар билан суғориш натижасида дарё сувларини тежалиши ва экологик тозаллиги сақлаб қолинганлиги, 37-44,5 ц/га бақарор сифатли дон ҳосили олиш бўйича чора-тадбирлар белгилашда асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлари ва буғдой хоссаларини минераллашган сувлар билан суғориш таъсирида ўзгариши бўйича олинган натижалар асосида:

«Половчанка» ва «Андижон-1» буғдой навларини суғориш технологияси «Расулова Машхура» фермер хўжалигида ва «Дехқонобод Тулпорлари» ММТП хўжаликларида 61 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 02/021-4249-сонли маълумотномаси). Натижада буғдойнинг ушбу навларини сув бериш тизими 1-1-1, униб чиқиш, гуллаш ва пишиш фазасида суғориш меъёри 800 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 2400 м³/га бўлишига эриш имконини берган;

кузги буғдойнинг «Половчанка» навини коллектор-зовур сувларининг минераллашганлик даражаси 2,8-3,5 г/л сувлар билан суғориш технологияси «Дехқонобод тулпорлари» ММТП га қарашли «Расулова Машхура» фермер хўжалигини 61 гектар ер майдонида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 02/021-4249-сонли маълумотномаси). Натижада дарё суви билан суғорилган майдонга нисбатан 1,4 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга, рентабеллик 29% бўлишига, ҳар бир гектар майдондан мавсумда 2400 м³ тоза сувни тежашига ва шунча миқдордаги минераллашган сувларни дарёга ташламаслиги ҳисобига дарё сувининг экологик тозаллигини сақлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, шундан 3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида амалга оширилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети, уларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертация таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Минераллашган сувларнинг кимёвий таркиби таснифи ва кишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳозирги замон ҳолати**» деб номланган биринчи бобида буғдой ва бошқа экинларни, шу жумладан боғларни суғоришда минераллашган сувлардан фойдаланиш бўйича илмий адабиётлар таҳлили келтирилган. Шунингдек, минераллашган коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш, уларнинг шўрланган тупроқларни шўрини ювиш учун таснифланиш белгиларини ҳисобга олган ҳолда, тупроқ хоссаларини ва буғдой ҳосилдорлигини аниқлаш, Республика ва хорижий адабий манбалар маълумотлари асосида минераллашган сувларнинг чегараловчи хусусиятларидан келиб чиқиб, диссертация мавзуси бўйича олимлар томонидан олиб борилган лойиҳа-қидирув ишлари келтирилган. Адабиётларни таҳлили якунида тупроқ ҳосил бўлиш шароитлари ва суғориш таъсири остида буғдой ҳолатига таъсирини ўрганиш, тупроқ ўзгаришининг қонуниятлари, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, буғдой ҳосилини ошириш ва сақлаш, экологик тозаликни сақлаш ва дарё тоза сувини тежаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилган.

«**Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлари генезиси ва тупроқ-иқлим шароитлари**» номли диссертациясининг иккинчи бобида Фарғона вилоятининг тупроқ-иқлим шароитлари, географик жойлашуви, геологик-литологик ва гидрогеологик шароитлари, иқлими ва ўсимликлари, шунингдек, антропоген омил таъсирида тупроқларнинг ўзгариши ҳақида маълумот берилган. Об-ҳаво станциясининг кўп йиллик маълумотларига кўра, минтақадаги ўртача йиллик ҳарорат 13-14,5°C оралиғида ўзгариб туради. Водийнинг ғарбий ва Марказий қисмларида ёғингарчилик миқдори ўртача 100-120 мм ни ташкил қилади. Чўлларнинг қуруқ ҳаво ва юқори ҳарорати туфайли ксерофит ўсимликлар ривожланади. Йўғон, скулент ўсимлик шакллари ривожланган. Қува ва Фарғонада ўртача йиллик ҳаво ҳарорати бир хил ва 13,2°C ни ташкил этади. Нисбий намлик деярли бир хил ва 63-67%ни ташкил этади. Асосий тупроқ ҳосил қилувчи жинслар тўртламчи давр чўкиндиларидир: пролювиал-делювиал, аллювиал-пролювиал, аллювиал, эол ва бошқалар. Иқлимнинг чўлга хослиги, босим остидаги грунт сувларининг юзага яқин жойлашганлиги турли механик таркибдаги шўрланган ўтлоқи саз тупроқларнинг кенг тарқалишига олиб келади. Суғориладиган ер фондида гидроморф тупроқлар Фарғона вилоятининг 50% ни эгаллайди, шундан 70% га яқин чўл худудига тўғри келади.

«**Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларини ўрганишни ўзига хос хусусиятлари ва тадқиқот услублари**» диссертациясининг учинчи бобида тадқиқот объекти-Марказий Фарғона аллювиал-пролювиал ётқизиқлари устида ҳосил бўлган суғориладиган ўтлоқи саз ўрта қумоқ тупроқлар ҳамда «Половчанка» буғдой нави, шунингдек суғоришда ишлатиладиган дарё (арик), коллекторлар, зовур ва аралаш (коллектор-зовур) сувлари. Дала ва камерал тадқиқотларни амалга оширишда умум қабул килинган усул ва услубиятлардан фойдаланилган.

«Суғориш учун сувнинг яроқлилигини баҳолаш» деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобида 2,85-4,20 г/л оралиғида ва тупроқнинг шўрланиш нуктаи назаридан хавфли бўлган зовур ва коллектор-зовур, аралаш сувларнинг минераллашуви шўрланган гуруҳга тегишли бўлиб, уларнинг минерализацияси 5 г/л дан пастроқда баҳоланади. Ушбу сувларда хлор миқдори 0,220-0,261 г/л оралиғида ўзгариб туради, ўрганилаётган минераллашган сувларда 1,30-1,72 г/л оралиғида бўлган сульфатлар учун энг катта кўрсаткичлар характерлидир. Магний катионининг миқдори кальцийга яқин. Дарё сувлари гидрокарбонат-кальцийли минерализацияси 1 г/л оралиғида. «SAR» (натрийли адсорбцион нисбатлар), электр ўтказувчанлиги, $Cl:SO_4$, Антипов-Каратаев (К) ва бошқалар бўйича суғориш сувларини таснифлаш натижалари ижобий. Антипов-Каратаевнинг формуласи бўйича берилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, бизда фойдаланиладиган сувлардаги ион алмашинуви коэффиценти (К) 5,0-28 га тенг, суғориш мақсадлари учун қониқарли деб ҳисобланади. Шунга ўхшаш хулоса «SAR» қийматини ҳисоблашда ҳам аниқланди. 2,8-3,2 г/л қуруқ қолдиқнинг ўртача уч йиллик таркиби, 34,7% вариация коэффиценти, ўртача квадрат оғиши $\pm 1,0$. Суғориш суви ва буғдой ҳосилдорлиги ўртасидаги корреляция коэффиценти 0,92, яъни алоқа кучли.


«Минераллашган сувлар билан суғориладиган тупроқларнинг морфологик, физик ва кимёвий хоссаларидаги ўзгаришлар» мавзусидаги диссертациянинг бешинчи бобида морфологик хусусиятлар, агрофизик, агрокимёвий, галогеохимёвий хоссалари, сингдирилган катионлар таркибининг миқдори ва сифати, шўрланганлик даражаси ва сифати, минераллашган сувлар билан буғдой суғорилиши таъсири остидаги карбонатли ва сульфатли тузлар ёритилган.

Тупроқларнинг морфогенетик характеристикасида, бундай қисқа вақт ичида минераллашган сувларнинг таъсири остида сезиларли ўзгариш содир бўлмади. Бироқ, тупроқ профилидаги асосий ҳолатга нисбатан айрим ўзгаришлар 4,2 г/л минерализацияли зовур суви билан уч йиллик суғоришдан сўнг нозик дисперсияли заррачаларни ювилишида кучсиз сезиларли ўзгаришлар аниқланди, бу фақат тупроқнинг юқори генетик горизонтларида содир бўлди. Кейинги ҳолатларда сезиларли фарқлар аниқланмади.


Тупроқларнинг агрофизик хусусиятларидаги ўзгаришлар уни ҳосил қилувчи жинсларидан мерос бўлиб ўтган ва барқарор хусусиятга эга бўлган тупроқларнинг механик таркиби билан боғлиқ. Физик лой таркибида кичик ўзгаришлар кузатилади. Шундай қилиб, минераллашган сув билан суғоришдан олдин, физик лойқа миқдори 40,35%, хайдов горизонтида, минераллашган сув билан суғорилгандан сўнг, 40,65% бўлди, яъни физик лойнинг кучсиз ўсиши кузатилди. Суғориладиган сув минераллашувига қараб аста-секинлик билан >10 мм агрегатларни минерализацияси 4,2 г/л сув билан суғориш натижасида камайганлиги кузатилган, бу ҳолат оз бўлсада минераллашган сувларни диспергацияловчи хоссаларига боғлиқлиги билан исботланган.

Минераллашган сувлар билан суғориш таъсири остида тупроқларнинг галогеохимёвий ўзгариши. Галогеохимёвий жараёнларда катта радиус ва кичик валентликларга эга бўлган элементлар, ионлар қатнашади. Чўлларда галогенез ҳамма жойда содир бўлади, бунинг сабаби ёгиннинг камлиги, хароратнинг баландлиги ҳисобланади. Суғориш, ўсимликларнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, шўрланишнинг пайдо бўлишига асосланган салбий ҳодисаларга олиб келади. Айниқса, буғдойнинг минераллашган сувлар билан суғориш ўрта қумоқ механик таркибли ўтлоқи саз тупроқларида тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва сифатига катта таъсир кўрсатади. 2016-2018 йилларнинг баҳор ва куз ойларида арик суви (ҚҚ-0,995; Cl-0,09; SO₄-0,555 г/л), минераллашган зовур (ҚҚ-4,2; Cl-0,220; SO₄-1,56 г/л), коллектор (ҚҚ-2,85; Cl-0,120; SO₄-1,305 г/л) ва аралаш сувлар билан буғдойни суғориб тупроқ хоссалари кузатилди. Ўрганилган барча вариантларда баҳордан кузгача тузларни аккумуляцияси кузатилди. Бу жараён 2 вариантда, яъни суғориш сувининг минерализацияси 4,2 г/л бўлган майдонда кучли кечди, кейинги вариантларда суғориш сувини минерализациясининг пасайиши ҳисобига тузларни аккумуляция жадаллиги пасайиб борди. 2016 йил баҳорида 1-вариантнинг ҳайдов қатламида куруқ қолдиқ 0,575%, хлор 0,015%, сульфатлар 0,377% (1-расм) бўлган чоғда, 2018 йилнинг кузида ҚҚ-0,689%, Cl-0,09%, SO₄ -0,454% етганлигини 2-3-расмлардан кўриш мумкин.

Н.И.Базилевич, Е.И.Панкованинг таснифига кўра, минераллашган сувлар суғоришдан олдин (вар.1 баҳор 2016 (1-расм), вар. 2 куз 2016 (3-расм) ўрганилаётган тупроқларнинг ҳайдов қатламлари анион таркибига кўра сульфатли ($\frac{Cl}{SO_4} < 0,05$) баҳоланди;




1-расм. Сувли сўрим таркиби (вариант-1, баҳор-2016 й.)




2-расм. Сувли сўрим таркиби (вариант-1, куз-2016 й.)

$\text{HCO}_3:\text{Cl}=0,9$ ҳолатда катион таркибига кўра магнийли: $\text{Na}:\text{Mg}<0,5$ ва бу вариантда 0,1. Қуруқ қолдиққа кўра кучсиз шўрланган ҳисобланади ($\text{ҚҚ}=0,575\%$). Тупроқнинг бошқа горизонтларида шўрланиш сифати деярли ҳайдаладиган қатламни такрорлайди.



3-расм. Сувли сўрим таркиби (вариант-2, куз-2016 й.)

Минераллашган сувлар билан суғорилган вариантларида сезиларли ўзгаришлар юз берди (2, 3 ва 4 вар.), масалан, 2016 йилнинг кузида 2 чи вариантнинг тупроқларида ҚҚ 1,004-1,544% оралиғида (4-расм).



4-расм. Сувли сўрим таркиби (вариант-2, куз-2018 й.)

Шу билан бирга, тупроқларнинг юқори қатламларида тузларнинг тўпланиши кузатилади. 2018 йилнинг кузида, фақат минераллашган сув билан суғориладиган вариантда тупроқдаги ҚҚ миқдори 1,039-1,601% ни ташкил қилди. Шу каби ўсиш хлор, сульфат ва катионларнинг таркибида юзага келди. Сувда эрувчан тузлар, хлор, сульфат ва бошқаларнинг нисбатан камроқ ўсиши 3 ва 4-вариантларида содир бўлди.

Тупроқларда сувда эрувчан токсик ва токсик бўлмаган тузларнинг таркибини ўзгартириши. Барча сувда эрувчан тузлар турли даражадаги токсикликка эга. Деярли барча натрийли тузлар ва хлоридли тузлар қишлоқ хўжалиги ўсимликлар учун зарарли ҳисобланади. Кальцийнинг карбонатли сульфатли тузлари ва магний карбонат зарарсиздир. Бизнинг тупроқларда гипотетик тузлардан $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$, CaSO_4 , MgSO_4 , Na_2SO_4 , K_2SO_4 , NaCl мавжуд бўлиб, натрийли тузлар етарли бўлса-да, натрийли сода ҳосил бўлиш схемаси микроорганизмларнинг фаол иштироки билан бўладиган жараён юз бермади: $\text{Na}_2\text{SO}_4 + \text{C} \rightarrow 2\text{CO}_2 + \text{Na}_2\text{S}$; $\text{Na}_2\text{S} + \text{CO}_2 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{Na}_2\text{S} + \text{H}_2\text{S}$. Бунга сабаб органик углерод ўрганилган тупроқларда етарли эмаслиғидир. Бикарбонатлар таркиби бутунлай кальций бикарбонатдан иборат. Бундан ташқари, токсик

тузлардан энг юқори миқдори магний сульфат учун хос бўлиб, тупроқ профилида 0,175 дан 0,280% гача ўзгаради. Ҳайдов горизонтлардаги токсик тузларнинг миқдори 40% миқдорда, қолган 60% эса токсик бўлмаган тузларга тўғри келади. 2016 баҳоридан 2018 йилнинг кузигача, минераллашган сув билан суғориш таъсири остида токсик ва токсик бўлмаган тузлар таркибида қуйидаги ўзгаришлар юз берди.

1-жадвал.


Сувда эрувчан тузларнинг таркибидаги ўзгаришлар, %

Вариант	Чуқурлиги, см	Ca(HCO ₃) ₂	CaSO ₄	MgSO ₄	Na ₂ SO ₄	K ₂ SO ₄	NaCl	Жами	
								токсик	токсик бўлмаган
Баҳор, 2016 й.									
1	0-32	0,032	0,317	0,180	0,013	-	0,033	0,226	0,349
	32-50	0,017	0,348	0,250	0,025	0,032	0,023	0,330	0,365
	50-70	0,019	0,358	0,250	0,025	0,004	0,025	0,304	0,377
	70-90	0,020	0,867	0,180	0,021	0,009	0,021	0,231	0,887
	90-110	0,019	0,892	0,185	0,025	0,011	0,021	0,242	0,911
	110-130	0,017	0,897	0,185	0,025	0,009	0,025	0,244	0,914
Куз, 2016 й.									
2	0-32	0,032	0,664	0,150	0,123	-	0,033	0,306	0,696
	32-50	0,028	0,908	0,378	0,185	0,005	0,035	0,603	0,936
	50-70	0,021	0,994	0,247	0,070	0,003	0,035	0,355	1,015
	70-90	0,020	1,037	0,240	0,142	0,011	0,029	0,442	0,057
	90-110	0,015	1,00	0,210	0,071	0,022	0,019	0,322	1,015
	110-130	0,015	1,00	0,180	0,071	0,022	0,019	0,292	1,015
Куз, 2018 й.									
2	0-32	0,035	0,692	0,156	0,130	-	0,036	0,322	0,727
	32-50	0,029	0,928	0,385	0,190	0,013	0,037	0,625	0,957
	50-70	0,021	1,022	0,273	0,234	0,011	0,035	0,553	1,043
	70-90	0,021	1,070	0,261	0,164	0,015	0,030	0,470	1,091
	90-110	0,017	1,026	0,231	0,078	0,024	0,022	0,355	1,043
	110-130	0,017	1,026	0,211	0,078	0,019	0,047	0,355	1,043

Шундай қилиб, дарё суви билан суғориш амалга оширилган вариантда тупроқ профилидаги токсик тузларнинг миқдори баҳорда 0,226-0,330% оралиғида ўзгариб туради. Шунинг учун тупроқнинг бу кўрсаткичи ўрганилаётган тупроқларга хос бўлган ўрта ва кучли шўрланган сульфатли тип чегарасида жойлашган. Иккинчи, яъни суғоришлар минераллашган сувлар билан амалга оширилган вариантда тупроқ токсик тузлари миқдорига кўра биринчи ўринга чиқади, унда бу тузлар 0,292-0,603 % оралиғида тебранади ва бу тузлар миқдорига кўра жуда кучли шўрланган гуруҳга яқинлашади. 2018 йилнинг кузида иккинчи вариантда токсик тузлар 0,322-0,625% оралиғида ўзгариб туради. Кейинги вариантларда токсик тузларда шунга ўхшаш ўзгаришлар юз берди, аммо иккинчи вариантга қараганда камроқ кўринишда.

Суғориш таъсирида токсик ва токсик бўлмаган тузларнинг миқдорини ўзгариши. Кузатув даврида, яъни 2016 йил баҳоридан минераллашган сувлар билан суғоришдан аввал ва 2016-2018 йилларнинг кузида, ушбу сувлар билан буғдойнинг суғоришлардан кейин тупроқни 0-100 см қатламида тузларнинг

умумий массасида қўйидаги ўзгаришлар содир бўлди (5-расм). Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, уч йил давомида минераллашган сувлар билан суғоришлар 2-вариантда тузларнинг 54,16 т/га миқдорда тўпланишига олиб келди.



5-расм. Тупроқнинг 0-100 см қатламида тузларнинг умумий массасини ўзгариши, т/га

1-устун. 2016 йил баҳорида тузларнинг миқдори; 2-устун. 2018 кузда тузларнинг миқдори; 3-устун. белгиланган даврлар орасидаги тузлар фарқи; 1, 2, 3, 4 тажриба вариантлари.

1-вариантда 17,77 т/га 3- ва 4-вариантларда мос равишда 51,87; 41,27 т/га ни ташкил қилди. Юқорида келтирилган маълумотлар минерализацияси 3,8-4,2 г/л сувлар билан буғдой суғорилганда ҳатто ўртача механик таркибли тупроқларда ҳам уни шўрланиш даражасини оширади.

Кальций ва магний сульфат ва карбонат тузларининг ўзгариши. Биз ўрганган тупроқларда ҳайдов ва ҳайдов ости горизонтларидан ташқари гипс миқдори юқори (4,4-2,17 %) ва қўйи горизонтларда 3,14-6,15 % ни ташкил қилади. Минераллашган сувлар билан суғоришдан кейин катта ўзгаришлар юз бермади, яъни 2-3-4 вариантлар тупроқ профилининг деярли барча горизонтларида гипс миқдорининг кучсиз ўсиши кузатилади. Биринчи вариантида (дарё суви билан суғориш) 0-32 см қатламида гипс 1,40% ва 2-3-4 вариантларда (минераллашган сувлар билан суғориш) мос равишда 1,51 ва 1,47; 1,40 %, иккинчи вариантнинг қўйи горизонтларида гипс миқдори 1,25-6,30 % оралиғида ўзгариб туради. Бошқа ҳолларда ҳам гипс тўпланиши кузатилади, лекин иккинчи вариантга қараганда шиддати камроқ. Биринчи вариант тупроқларида гипс миқдори кальций ва магний сульфатларини суммасига нисбатан 48,9-63,3% миқдорда, иккинчи вариантда 50,5-72,8% миқдорда мавжуд.

Умуман олганда минераллашган сувлар таъсири остида кальций ва магнийларнинг сульфатли тузларининг ўсиши кузатилади. Юқори горизонтларда гипс ва эпсомит (1,55 ва 1,35 %) деярли бир хил миқдорда мавжуд бўлиб, карбонатларининг тарқалиши ўртача механик таркибли тупроқлар учун характерли эканлиги кузатилади.

Минераллашган сувлар билан суғориш таъсирида сингдирилган асосларнинг таркибини ўзгариши. Механик таркибга мувофиқ равишда буғдойни минераллашган коллектор-зовур сувлари билан суғоришдан олдин,

ўрта кумоқли ўтлоқи саз тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида сингдирилган асослар йиғиндиси 10,46 ва 9,11 мг-экв. ташкил қилади. Уч йил давомида минераллашган сувларнинг тупроққа таъсири натижасида олинган маълумотлар сингдирилган катионлар таркиби бўйича дастлабки маълумотлар билан таққослаганда жиддий салбий ўзгаришлар кузатилмади.

Бирок, сингдирилган асослар таркибидаги баъзи ўзгаришлар кўринади. Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларда деярли барча ҳолларда оддий ва минераллашган сувлар билан суғорилганда сингдирилган магний ва натрийнинг кўпайиши кузатилди, лекин бу кўпайишни минераллашган сувлар билан суғорилган вариантларда кўпроқ эканлиги аниқланди.

2-жадвал.

Суғориладиган тупроқларнинг сингдирилган асослари таркибини ўзгариши

Вариант	Чуқурлиги, см	мг-экв.					Микдорий улуши			
		Са	Mg	К	Na	Сумма	Са	Mg	К	Na
Бошланғич ҳолат										
-	0-30	6,25	2,56	1,30	0,35	10,46	59,8	24,5	12,4	3,3
	30-50	4,35	3,06	1,45	0,85	9,11	47,7	33,5	15,9	2,7
Суғоришдан сўнг, куз 2018 йил										
1	0-30	6,30	2,65	1,28	0,36	10,59	59,5	25,0	12,1	3,3
	30-50	4,34	3,11	1,30	0,26	9,01	47,7	34,5	14,4	2,9
2	0-30	6,25	2,70	1,30	0,41	10,56	58,2	25,6	12,3	3,9
	30-50	4,20	3,15	1,31	0,33	8,99	46,7	35,0	14,6	3,7
3	0-30	6,19	2,70	1,30	0,37	10,56	58,6	25,6	12,3	3,5
	30-50	4,22	3,20	1,32	0,34	9,08	43,0	35,2	14,5	3,7
4	0-30	6,20	2,61	1,32	0,35	10,48	59,2	24,9	12,6	3,3
	30-50	4,25	3,11	1,40	0,29	9,05	46,9	34,4	15,5	3,2

Тупроқларнинг агрохимёвий хусусиятларини ўзгариши. Гумус моддаларининг синтези ва парчаланиши, озика моддаларининг микдорини ўзгариши тупроқ-иқлим шароитига ва антропоген омилнинг таъсирига боғлиқ кечади. Бизнинг тажрибада ялпи азот, фосфор, чириндини аниқлаш 2016 йилнинг баҳор ва куз, шунингдек, 2018 йилнинг кузида уч даврида амалга оширилди. Бу қисқа вақт ичида гумус ва бошқа моддалар кўрсаткичларида бундай ҳолатда катта, жиддий ўзгаришлар бошдан кечирилиши эҳтимолдан холи. Лекин шунга қарамай, баъзи ўзгаришлар кузатилади.

Шундай қилиб, ҳайдаладиган горизонтларда, уч йиллик давр мобайнида ўртача кумоқ механик таркибли ўтлоқи саз тупроқлари ўрганилиб, тупроқ гумусининг таркибида биров пасайиш юз бериши аниқланди. Яъни 2016 баҳорида гумуснинг ҳайдаладиган ва ҳайдов ости горизонтларда 1,131-1,045% микдорида мавжудлиги аниқланди (3-жадвал). Иккинчи вариантда 2018 йилнинг кузида, яъни йил тадқиқотларида ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида гумус 1,110% ва 1,000% ни ташкил қилган.

Биринчи вариантда уч йил давомида буғдой дарё суви билан суғорилганда, гумус 1,233 ва 1,110% ташкил қилди, яъни кичик ўсиш кузатилди, қолган вариантларда эса пасайиш кузатилди.

Лекин уч йил давомида буғдой минерализацияси 4,2 г/л бўлган сув билан суғорилган иккинчи вариантда юқорида айтиб ўтилганидек, 2016 йилнинг

баҳори билан солиштирганда 2018 йилда ўрганилаётган вариантлар ўртасидаги гумусни нисбатан пасайиши кузатилди. Ҳайдаладиган қатламда гумус 1,110% эди ва 2016 йилнинг баҳорида бу ўзгариш 1,129 % бўлган суғоришлар зовур сув билан бўлган вариантда гумус микдорининг камайишига олиб келди.

3-жадвал.

Тупроқларнинг агрокимёвий тавсифи

Вариант	Чуқурлиги, см	Гумус, %	Ялпи, %			C:N	Ҳаракатчан мг\кг		
			N	P ₂ O ₅	K ₂ O		N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
Куз-2018 й.									
1	0-32	1,233	0,127	0,281	2,003	6,3	28,50	34,70	175,70
	32-50	1,110	0,112	0,277	1,224	6,2	11,10	23,50	125,50
2	0-32	1,110	0,107	0,268	2,025	6,9	28,60	35,60	180,90
	32-50	1,000	0,100	0,281	1,235	6,6	11,20	24,50	126,50
3	0-32	1,145	0,118	0,278	2,014	6,3	28,50	25,50	178,80
	32-50	1,071	0,095	0,280	1,229	7,3	11,18	24,00	126,00
4	0-32	1,170	0,119	0,274	2,010	5,9	28,55	24,80	176,50
	32-50	0,999	0,097	0,287	1,226	6,7	11,15	23,60	125,70

Бошқа вариантларда, яъни 3 ва 4 вариантларда буғдой минераллашган сувлар билан суғорилганда иккинчи вариантга нисбатан камрок концентрацияга эга бўлганлиги сабабли шунга ўхшаш ўзгаришлар юз берди, аммо жадаллиги нисбатан паст. Ушбу давр мобайнида (2016 баҳоридан 2018 йилнинг кузигача) азот гумусга мос равишда бир оз камайди. Ялпи фосфорнинг микдори 2016 йил ва 2018 йил кузида 2 вариантларининг ҳайдов қатламида жуда оз пасайиш кузатилади. Бу шубҳасиз, минераллашган сувларнинг таъсири остида ҳаракатланадиган фосфорнинг кучсиз ошиши ва ҳайдов горизонтдан пастки қатламга ўтиш билан боғлиқ кечади.

«Минераллашган сувлар билан суғоришнинг буғдой агробиологик хусусиятларига таъсири ва самарадорлик» мавзусидаги диссертациянинг олтинчи бобида минераллашган сувлар таъсирида аста-секин тупроқ шўрланиши қайд этилади, натижада дарё ва минераллашган сувлар билан суғориш таъсири остида буғдой ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўзгариши кузатилади. Тупроқдаги тузларнинг буғдойга таъсири уларнинг умумий микдорида ва сифатида, физик-кимёвий хоссаларида намоён бўлади. Жумладан, ишқорийликни ортиши, физик-кимёвий хоссаларини ёмонлашувига ва ҳосилдорликни пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир алоҳида ҳолатда тупроқ ва иқлим шароитда тупроқ ва агробиологик жараёнлар ўрганилади.

Буғдойнинг агробиологик хусусиятлари ва ҳосилдорлигини ўзгариши. Минераллашган сувлар билан суғориш фойдасига хорижий муаллифларнинг маълумотлари келтирилган бўлиб, унда шакарқамиш, маккажўхори, зиғир ва бошқаларни сульфатли минерализациясига эга бўлган сувлар таъсирида ҳосилининг ортиши кузатилганлиги келтирилган. Бундан ташқари, ўсимликларнинг ҳаётий фаолиятида олтингугуртнинг асосий роли маълум. Турли даражадаги минераллашган сувлар буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва рентабеллигига турли таъсир қилади. Шундай қилиб, ўсимликларнинг энг

баланд ўсиши тўртинчи вариант билан тавсифланади ва буғдойнинг баландлиги пишиш босқичида 110,4-114,3 см ташкил қилади. Шунга яқин қонуният ўсишнинг бошланғич босқичларида ҳам кузатилади, бу кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўринда суғориш фақат коллектор сувлари билан амалга оширилган вариантларда мавжуд бўлди. Шунга қарамай, минераллашган сувлар билан суғоришда ғўзада бўлгани каби, буғдой ҳосилини кескин пасайиши кутилган эди. Лекин барча минераллашган сувлар ҳам ҳосилга салбий таъсир кўрсатмас экан (4-жадвал), яъни 3,8 г/л га қадар минерализацияга эга бўлган сульфатли типдаги аралаш сувлар

4-жадвал.

Буғдой донининг уч йиллик ҳосилдорлиги, ц/га

Вариант	2016 й.	2017 й.	2018 й.	ўртача	қўшимча
1	$\frac{43,0^x}{58,2^{xx}}$	$\frac{41,0}{56,3}$	$\frac{45,3}{68,7}$	$\frac{43,1}{61,07}$	$\frac{0}{0}$
2	$\frac{40,8}{58,8}$	$\frac{36,5}{49,3}$	$\frac{36,3}{58,4}$	$\frac{37,9}{55,50}$	$\frac{-5,2}{-5,57}$
3	$\frac{42,2}{66,5}$	$\frac{41,6}{62,4}$	$\frac{39,6}{64,2}$	$\frac{41,2}{64,37}$	$\frac{-1,9}{+3,30}$
4	$\frac{44,9}{64,7}$	$\frac{44,2}{63,8}$	$\frac{44,3}{71,8}$	$\frac{44,5}{66,77}$	$\frac{+1,4}{+5,70}$

х) дон; хх) сомон.

таъсирида буғдой дони миқдори, яъни ҳосилдорлиги 1,4 ц/га назоратга нисбатан кўпайиши аниқланди, шунга мос равишда сомон ҳам ошган.

Иқтисодий ва экологик самарадорлик. Половчанка навли буғдойни 3 йил давомида ариқ ва минераллашган сувлар билан суғорилганда, зовур сувлари билан суғорилган вариантда рентабеллик 19,5 % ни, ариқ сувлари билан суғорилган 2-вариантда 29,2 %, қолган вариантларда бу катталиқ 26,2-31,9 % ни ташкил қилди. Бу орада фақат иқтисодий самарадорликдан ташқари экологик самарадорликни алоҳида таъкидлаш керак. Бу ҳолат тоза дарё сувини йилига 2400 м³/га тежалиши ва шунча миқдордаги минераллашган сувни дарёга ташламаслиги билан ифода этилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ариқ ва минераллашган сувлар билан суғориш тупроқ морфологиясида айрим фарқлар шаклланишига олиб келади. Хусусан 3 йил давомида фақат минераллашган сувлар билан суғорилган вариант тупроқларини ўрта қисмида физик лойқанинг элювиал фрагментлар тариқасида, гипс ва карбонатлар эса доғлар шаклида кўпайишида кўринади. Лекин морфологик белгиларда яққол шўртобланиш жараёни акс этмади, аммо жуда кам бўлсада органик моддалар ва ил заррачаларини миграцияси кузатилади.

2. Тажриба майдони тупроқлари ўтмишда ўтлоқи аллювиал бўлган бу тупроқлар ҳозирда эскидан суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларга

эволюцияланган бўлиб, сизот сувлари босимли, хлорид-сульфатли минерализацияга эга. Бундан ташқари, профилининг ўрта қисмида арзиқ-шоҳли қатлам ва майда кристалли гипс, карбонатлар мавжуд. Бу тупроқлар ўртача шўрланган бўлиб, анионлар миқдorigа кўра хлорид-сульфатли ва сульфатли типда шўрланган. Тупроқларнинг агрофизик хусусиятларида жиддий ўзгаришлар содир бўлмаган. Лекин минераллашган сувлар билан суғорилган вариантнинг ҳайдов қатламида ҳажм массанинг кучсиз ортиши кузатилади.

3. Сувда эрувчи тузлар миқдorigа кўра минераллашган сувлар билан суғорилган вариантларнинг профилида ариқ суви билан суғорилган вариантга нисбатан тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва сифатида салбий ўзгариш содир бўлди. Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларини 3 йиллик ариқ ва минераллашган сувлар билан суғорилгандан кейин ҳам ҳайдов ости қатламидан пастда ўртача шўрланган гуруҳда қолади. Бунда ҳайдов қатламлари кучсиз шўрланганлигича ўзгармай қолди. Бу жараёнда зовур сувларидан фойдаланилган вариантларда қуруқ қолдиқнинг кескин ўсиши, яъни баҳорда 0,554 % бўлган бўлса кузга бориб (2018 йили) 1,004 % ҳайдов қатламида, кейинги қатламларда эса 1,6 % гача аккумуляцияланди. Лекин кейинги 3 ва 4 вариантларда ҳам тузлар кучсиз аккумуляцияси кузатилади.

4. Сульфатли тузларнинг кўплигига қарамасдан тадқиқот вариантларида сода ҳосил бўлиши кузатилмади, чунки органик углерод миқдори бу тупроқларда сода ҳосил бўлиши учун етарли эмас эди. Заҳарли тузларнинг энг юқори миқдори Na_2SO_4 га тўғри келади ва энг кўп миқдори 2 ва 3, 4 вариантларга тўғри келади, кейинги ўринда MgSO_4 ва NaCl жойлашади. Иккинчи вариантда заҳарли тузлар миқдори тупроқда 0,292-0,803% миқдори оралиғида тебраниб, бу кўрсаткичга кўра жуда кучли шўрланган гуруҳга яқинлашади. Буғдой ҳосилдорлиги 41,65 ц/га, тузларнинг умумий массаси 114,5 т/га бўлган тақдирда 100 см қалинликдаги тузлар суммаси билан “Половчанка” буғдой навларининг ҳосилдорлиги ўртасидаги корреляцион боғланиш ижобий бўлиб, 0,5 ни ташкил қилди.

5. Минераллашган сувлар билан суғоришнинг таъсири остида гумуснинг юқори горизонтлардан пастки қатламларга биров ювилиши содир бўлади. Углероднинг азотга нисбатига кўра юқоридан пастгача барча горизонтларда азот билан бойимайди ва 6,7-7,8 атрофида ўзгаради. Азотга энг бойиган қатлам ҳайдов қатламларига тўғри келади. Ҳаракатчан NPK миқдorigа кўра тупроқлар паст таъминланган. Суғоришлардан кейин ҳам шу гуруҳда қолди. Лекин ҳаракатчан фосфор миқдорини кучсиз ортиш белгилари минераллашган сувлар билан суғорилган вариантларда кузатилди. 2-вариантда кучсиз даражада карбонатлашув жараёни кузатилади. Магнийли тузлар, кальцийли тузларга нисбатан кўпроқ ҳосил бўлади. Сингдирилган кальций ва калий элементларнинг миграция оқими туфайли аста-секинлик билан магнийга алмашинади. Бу ҳолат ҳайдов қатламларида ва сизот сувлари билан контактда бўлган қатламларда яхши намоён бўлиши билан характерланади.

6. Минтақанинг зовур ва коллектор-зовур, аралаш сувларининг минерализацияси тупроқнинг шўрланиши нуктаи назаридан хавфли 2,85-4,8

г/л оралиғида ўзгариб туради ва улар минерализацияси 5 г/л дан паст бўлган шўрланган гуруҳга киритилган. Хлор ва сульфат кислота ионларининг нисбати бўйича сульфатли деб тавсифланади. SAR интервалига кўра, 0,77 дан 2,09 гача бўлган нисбатлар шўрланишга олиб келиши билан характерланади.

7. Уч йил давомида юқоридаги таркибга эга сувлар билан буғдойни “Половчанка” нави суғорилганда гектарига 37,9-44,5 ц дон ҳосили олинди. Ариқ суви билан суғорилган вариантда 43,1 ц/га дон ҳосили олинган. Фақат зовур сувлари билан суғорилган вариантда ҳосилга яққол салбий таъсири намоён бўлди, яъни дон ҳосили 37,9 ц/га ни, бошқа вариантларда бу кўрсаткич 41-44,5 ц/га ни ташкил қилди. Зовур суви билан суғорилган вариантда рентабеллик 19,5%, 3 ва 4 вариантларда 26,2-31,9% ни ташкил қилди.

8. Буғдойнинг ўсиш динамикаси вариантыга боғлиқ бўлиб, суғориш суви минерализацияси ортиши билан бўйи пасаяди, шу билан бирга дон ва сомон миқдорига ҳам сувнинг минерализацияси жиддий таъсир кўрсатди, бу ҳолат зовур суви билан суғорилган вариантда яққол кўринди. Шунга қарамадан сув тақчил бўлган пайтларда, ариқ суви етишмаган йиллари минерализация даражаси 3,8 г/л бўлган сувлардан суғоришда фойдаланиш самарали бўлиб буғдой донида 44,5 ц/га ҳосил олишга эришилган. Половчанка навли буғдойни минераллашганлик даражаси 3,8 г/л бўлган коллектор-зовур сувлари билан суғоришни самарали эканлиги иқтисодий ҳисоб-китоблар тасдиқлайди, яъни рентабеллик 31,9 % ни ташкил қилиши билан изоҳланади.

9. Дарё суви тақчиллиги даврларида ва унинг мусаффолигини сақлаш мақсадида суғориладиган ўрта қумоқли ўтлоқи саз тупроқларида “Половчанка” навли буғдойни минераллашганлик даражаси 3,8 г/л гача сульфатли типга эга бўлган коллектор-зовур сувлари билан суғориш тавсия этилади, бунинг натижасида 41,2-44,5 ц/га дон ҳосили олиш билан бирга тоза дарё суви тежалади ва минераллашган сувлардан фойдаланиш ҳисобига дарё сувининг экологик тозалигига ҳисса қўшилади.

10. Минераллашган сувлар билан буғдойни суғоришда содир бўладиган ўзгаришлардан фойдаланишни экин турларини жойлаштиришда, дарё сувини экологик тозалигини сақлашда ишлаб чиқилладиган лойиҳавий ишларда ҳамда олий ўқув юртларида тупроқшунослик ва тупроқ мелиорацияси курсларини ўтишда қўшимча маълумот тариқасида фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019. В.05.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ДАРМОНОВ ДИЛМУРОД ЁКУБЖОНОВИЧ

**ИЗМЕНЕНИЕ СВОЙСТВ ОРОШАЕМЫХ ЛУГОВЫХ САЗОВЫХ
ПОЧВ И ПШЕНИЦЫ ПОД ВЛИЯНИЕМ ПОЛИВОВ
МИНЕРАЛИЗОВАННЫМИ ВОДАМИ**

03.00.13 - Почвоведение

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2019.4.PhD/В420

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ферганском государственном университете (ФерГУ).

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу: (www.fdu.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Юлдашев Гулом
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Курвантаев Рахмонтой
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии

Уразбаев Исматулла Уматович
доктор биологических наук, доцент
Гулистанский государственный университет


Ведущая организация: Андижанский филиал Ташкентского государственного аграрного университета


Защита состоится «20» 08 2020 г. в 11⁰⁰ часов на онлайн заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019. В.05.03 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г.Фергана, улица Мураббийлар, 19). Тел.: (+99873)244-44-02; факс: (+99873)244-44-93; e-mail: fardu_info@mail.uz.


С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (Зарегистрирован за № 86). Адрес: 150100, город Фергана, улица Мураббийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-44-94.

Автореферат диссертации разослан «07» 08 2020 года (реестр протокола рассылки № 2 от 07 08 2020 г.)




В.Ю.Исаков
Председатель научного совета по присуждению учёной степени, д.б.н., профессор


У.Б.Мирзаев
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёной степени, к.б.н., доцент


М.Т.Исагалиев
Председатель научного семинара по присуждению учёной степени, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день «в мире 50% питьевые воды и 43% в орошаемое земледелие удовлетворяется за счет почвенно-грунтовых вод, это составляет 20% от общего земельного фонда используемой в земледелии. В последнее 50 лет в мире площадь посевных культур вырос на 12% и ежегодно в мире образуется порядка 300 км³ коллекторно-дренажных вод, том числе в странах СНГ-90 км³, в США-30 км³. В результате глобального роста производства в отдельных регионах растет деградация земель и водных ресурсов, ухудшается экологическое состояние почв и запасов воды»¹. По этой причине в условиях орошаемого земледелия влияние орошение и коллекторно-дренажных вод на свойства почв, определение влияние на плодородие, через исследование химических и геохимических свойства почв, а также повышение урожайности зерно и эффективное использование земельных и водных ресурсов, вместе с тем использование минерализованных вод на месте их образование имеют важное теоретическое и практическое значение.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на исследование образования и эволюции почв под влиянием коллекторно-дренажных вод, определение изменение плодородие в орошаемое земледелие, морфогенетическое строение, современное состояние плодородие и защита от отрицательных процессов, влияющих на них. В этом направлении влияние на засоление орошаемых почв под влиянием коллекторно-дренажных вод, определение миграции и аккумуляции, динамики солей, улучшение эколого-мелиоративное состояние, повышение плодородии и их охрана, получению качественного зерна уделяется особое внимание.

В республике ведутся научно-исследовательские работы, направленные по определению процессов, идущих в почвах, защите от отрицательных влияний, а также повышение урожайности зерна, сохранение плодородие почв под влиянием коллекторно-дренажных вод и эффективное их использование. В результате получены положительные результаты. В Стратегии Действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные по «...повышению почвенного плодородия и урожайности сельскохозяйственных культур, дальнейшему улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель расширению производства экологически чистой продукции, рациональному и эффективному использованию земельных ресурсов»² определено как важнейшая стратегическая задача. По этому определение влияние минерализованных вод на свойства орошаемых луговых сазовых почв, рост, развитие и урожайности пшеницы, а также эффективное использование речных и коллекторно-дренажных вод, разработка

¹www.fao.org

²Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

современной ресурсберегающих агротехнологии и применении интенсивных методов орошения имеет важное значение.

